

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

602 Тошкент давлат юридик университети бакалаврияти-
га хорижий фуқароларни қабул қилиш учун суҳбат
ўтказиш ва унинг натижаларини белгилаш тартиби тўғриси-
даги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2896*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июнда-
ги 347-сон «Тошкент давлат юридик университетда кадрлар тайёрлаш ти-
зимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
мувофиқ **буюраман:**

1. Тошкент давлат юридик университети бакалавриятига хорижий фу-
қароларни қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ва унинг натижаларини бел-
гилаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норма-
тив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идора-
вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув ки-
ритсин.

3. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатнинг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-
ми» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр эти-
лишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи
ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 июнь,
164-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2017 йил 29 июндаги
164-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига
хорижий фуқароларни қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ва
унинг натижаларини белгилаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2932-сон «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 347-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги низомга мувофиқ Тошкент давлат юридик университети (бундан буён матнда ТДЮУ деб юритилади) бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ва унинг натижаларини белгилаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. ТДЮУ бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилиш учун суҳбат (бундан буён матнда суҳбат деб юритилади):

уларнинг дунёқарашини (ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган асосий ва муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан умумий ҳабардорлиги);

касбий иштиёқи ва мотивацияларини (юрист касбининг моҳияти ва мазмуни, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, юристнинг касбий фаолият соҳалари, ушбу касбнинг қийинчиликлари тўғрисида тасаввурга эгаллик, юрист касбини танлашга ундаган сабаблар);

умумий интеллектуал даражасини (ўз фикрини аниқ-равшан, мантикий ва ижодий баён қила олиш ҳамда ўз фикрини асослантира олиш қобилияти);

маънавий-ахлоқий даражасини (қатъий маънавий-ахлоқий принципларга эга бўлиш, мулоқот этикаси ва ташқи кўриниш маданиятига риоя этиши) аниқлаш нуқтаи назаридан ўтказилади.

2. Суҳбат ТДЮУ ректорининг буйруғи билан тузиладиган махсус комиссия (бундан буён матнда Махсус комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади.

Махсус комиссия ўз фаолиятини коллегиялик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

Махсус комиссия таркибига ТДЮУ ходимлари билан бир қаторда бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам уларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда киритилиши мумкин.

Махсус комиссияга комиссиянинг бошқа аъзолари фаолиятини ўзаро умумий мувофиқлаштирувчи раис бошчилик қилади. ТДЮУ ректори лавозими бўйича Махсус комиссия раиси ҳисобланади. Махсус комиссия фаолиятини ташкилий таъминлаш унинг котибига юкланади.

3. Сухбат ҳар йили август ойининг 2 — 10 саналарида ўтказилади.

4. Сухбат ТДЮУда таълим бериладиган тилида ўтказилади.

5. Сухбатнинг ушбу Низомга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилиши учун масъулият тегишли ўқув йили учун тузиладиган ТДЮУ қабул комиссияси масъул котибига (бундан буён матнда масъул котиб деб юритилади) ҳамда ТДЮУ бакалавриатига қабул масалалари бўйича масъул котибнинг ўринбосарига, Махсус комиссия аъзоларига юкланади.

2-боб. Сухбат ўтказишга тайёргарлик кўриш

6. ТДЮУ қабул комиссиясининг (бундан буён матнда Қабул комиссияси деб юритилади) сухбат ўтказиш бўйича иш режаси Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

7. Қабул комиссиясининг сухбатни ташкил этишдаги асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

сухбат жараёнининг адолатли ўтказилишини таъминлаш;

сухбат ўтказиш билан боғлиқ зарур шароитларни яратиш;

ТДЮУга ўқишга кириш ва унда таълим олиш, шунингдек ТДЮУда яратилган шароитлар ҳақида хорижий фуқароларга ахборотлар ва маълумотномалар тақдим этиш, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали; хорижий фуқароларга сухбатнинг натижалари ҳақида маълумот тақдим этиш.

8. Бинолар ва аудиторияларни сухбат ўтказиш учун тайёрлаш масъулияти ТДЮУ бакалавриатига қабул масалалари бўйича масъул котибнинг ўринбосари зиммасига юкланади.

9. Сухбат ўтказиладиган бинода сухбат ўтказиш жараёни учун зарур бўлган техник, тиббий ва маиший шароитлар яратилиши лозим. Бинолар ва аудиториялар санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ жавоб бериши шарт.

10. Сухбат саволларини тузиш учун эксперт гуруҳи ташкил этилади. Эксперт гуруҳи тегишли соҳанинг малакали мутахассислари орасидан шакллантирилади. Эксперт гуруҳи фаолиятига Қабул комиссияси раиси раҳбарлик қилади.

11. Саволлар мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган мезонлар кесимида тузилади.

12. Саволларни тузишда қуйидаги талабларга алоҳида эътибор қаратилади:

саволлар лўнда, оддий ва равон тилда баён этилиши ҳамда таҳлилий фикрлаш қобилиятини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим;

саволлар ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими даражасига мос бўлиши лозим;

саволларда фойдаланилган тушунчалар ва атамалар уларни турлича изоҳлаш имкониятини истисно этиши лозим;

саволлар орфографик, стилистик ва грамматик жиҳатдан тўғри шакллантирилган бўлиши лозим.

13. Тузиладиган саволларнинг сифати ва мазмуни бўйича масъулият эксперт гуруҳи аъзоларига юкланади.

14. Суҳбат ўтказиш учун саволлар Қабул комиссияси раисига топширилган вақтдан бошлаб эксперт гуруҳи ўз фаолиятини тугатади. Тузилган саволлар билетларни шакллантириш учун топширилгунга қадар Қабул комиссияси раисида сақланади.

15. Тузилган саволлар суҳбат ўтказилишидан бир кун олдин суҳбат билетларини шакллантириш учун масъул котибга топширилади. Ҳар бир билет тўртта саволдан иборат бўлиши лозим (ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган ҳар бир мезон бўйича биттадан).

Шакллантирилган билетлар конвертларга жойлаштирилади ва Қабул комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади ҳамда масъул котибда сақланади.

3-боб. Суҳбат ўтказиш ва унинг натижаларини белгилаш

16. Хорижий фуқароларнинг суҳбатдан ўтиши мажбурий ҳисобланади.

17. Суҳбат ўтказиш жадвали масъул котибнинг тақдимномасига биноан ТДЮУ ректорининг буйруғи билан тасдиқланади. Суҳбатдан ўтувчи хорижий фуқароларнинг рўйхати буйруққа илова қилинади.

18. Суҳбат ўтказиш жадвали, қоида тариқасида, суҳбат бошланишидан бир ой олдин ТДЮУ веб-сайтида жойлаштирилади.

19. Суҳбат, қоида тариқасида, ТДЮУ биноларида ўтказилади.

20. Хорижий фуқаролар суҳбат ўтказиш учун бинога тегишли навбат бўйича олиб кирилади.

21. Хорижий фуқаро томонидан суҳбатга мобил телефон ва бошқа алоқа воситаларининг олиб кирилиши ва улардан фойдаланилиши қатъиян тақиқланади.

22. Хорижий фуқаро аудиторияга Махсус комиссия котиби томонидан таклиф этилади.

23. Суҳбатдан олдин хорижий фуқаро паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни кўрсатиши шарт.

24. Суҳбат ўтказишда хорижий фуқаро саволлар берилган билетни танлайди.

25. Билет олинганидан сўнг хорижий фуқарога суҳбатга тайёрланиш учун 20 дақиқа ажратилади. Бунда хорижий фуқаро суҳбатга тайёрланиш учун қоғоз варақлардан фойдаланиши мумкин. Қоғоз варақларни тақдим этиш учун масъулият Махсус комиссия зиммасига юкланади.

26. Суҳбатдан ўтиш жараёнида хорижий фуқарога билет мазмуни бўйича

қўшимча саволлар берилиши мумкин. Битта хорижий фуқаро билан суҳбат 15 минутгача давом этади.

27. Суҳбат натижалари баллар қўйиш йўли билан 100 баллик тизимда баҳоланади. Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган ҳар бир мезон бўйича балларнинг энг юқори миқдори 25 баллни ташкил этади.

28. Хорижий фуқаро жадвал бўйича суҳбатга келмаган ҳолларда 0 балл қўйилади.

29. Суҳбат натижаларини белгилаш учун Махсус комиссиянинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил равишда мазкур Низомнинг иловасида келтирилган шаклдаги баҳолаш варағини тўлдириб, уни имзолайди ҳамда Махсус комиссиянинг котибига топширади. Махсус комиссиянинг котиби хорижий фуқарога Махсус комиссия аъзолари томонидан қўйилган ўртача баллни ҳисоблаб чиқади.

30. Хорижий фуқаро 55 баллдан юқори балл тўплаганда суҳбатдан ўтган ҳисобланади.

31. Суҳбатдан ўтган хорижий фуқаролар рўйхати улар томонидан тўпланган баллар асосида рейтинг тизимига мувофиқ аниқланади.

32. Суҳбат жараёни ва натижалари Махсус комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланадиган ва ТДЮУ ректори томонидан тасдиқланадиган йиғилиш баённомасида қайд этилади.

Суҳбат жараёни ва натижаларини қайд этиш учун видео- ва аудиоёзув қўлланиши мумкин. Бундай ҳолларда видео- ва аудиоёзув 24 соат ичида Махсус комиссия раисига тақдим этилади.

33. ТДЮУ бакалавриятига хорижий фуқароларни қабул қилиш учун суҳбатни қайта ўтказиш тақиқланади.

34. Суҳбат натижалари шикоят қилиниши ва апелляция тартибида кўрилиши мумкин эмас.

35. Суҳбат натижалари 20 августга қадар ТДЮУ бакалавриятига хорижий фуқароларни қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш Давлат комиссиясига юборилади.

36. Суҳбат натижалари бутун суҳбат жараёни ўтказилгандан сўнг кейинги иш кунида ТДЮУ веб-сайтида эълон қилинади.

4-боб. Яқуний қоидалар

37. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

38. Мазкур Низом Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент давлат юридик университети билан келишилган.

26 (786)-сон

— 221 —

602-модда

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2017 йил 27 июнь

*Адлия вазири ўринбосари —
Тошкент давлат юридик
университети ректори*

Е. КАНЬЯЗОВ

2017 йил 27 июнь

Тошкент давлат юридик университети
бакалавриатига хорижий фуқароларни
қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ва
унинг натижаларини белгилаш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига
хорижий фуқарони қабул қилиш учун ўтказилган
суҳбат жавобларини
БАҲОЛАШ ВАРАҒИ**

Сана _____

Хорижий фуқаронинг Ф.И.О. _____

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Баллар
1.	Дунёқараши	
2.	Касбий иштиёқи ва мотивациялари	
3.	Умумий интеллектуал даражаси	
4.	Маънавий-ахлоқий даражаси	
Жами баллар:		

Изоҳ: _____

Махсус комиссия аъзоси:

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)